



Жанубий


ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 5 ноябрь, сешанба, №130 (3476).

ПРЕЗИДЕНТ СЕРБИЯ ПРЕЗИДЕНТИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ



**Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев
Сербия Президенти Александр Вучичга ҳамдардлик шошилинчо-
масини йўллади.**

Унда Давлат раҳбари темир йўл вокзалида содир бўлган ва кўплай инсонлар ҳалок бўлган фожиали воқеа муносабати билан Сербия Президенти Александр Вучичга ҳамдардлик билдирди.
“Шундай оғир дамларда мен Сербия халқининг дардига шерикман, сизга ва яқинларини йўқотган оилаларга ҳамдардлик билдираман. Ҳалок бўлганларнинг яқинларига тинчлик, жараҳатланганларга эса

тезроқ соғайиб кетишларини тилаймман”, дейилади хабарда.
Эслатиб ўтамиз, Сербиянинг энг аҳоли гавжум шаҳри – Нови Саддаги темир йўл вокзалида бетон том қулаши оқибатида 14 киши ҳалок бўлган эди. Шу муносабат билан мамлакатда бир кунлик мотам эълон қилинди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



Қозоғистон жаҳон ОАВларида:

Ноябрь ойи бошида жаҳон ОАВлари ҚР Президентининг Мўғулистонга давлат ташрифи ҳақида сўз юритиб, Ўзбекистон билан қўшма лойиҳалар ҳақида ёзди. Батафсил куйидаги шарҳимизда ўқий оласиз.

Anadolu:

Астана ва Улан-Батор стратегик ҳамкорлик ўрнатди

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Икки давлат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралар Қозоғистон Президенти Мўғулистон билан давлатлараро муносабатлари янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Давлат раҳбари маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. У мўғулистонлик спортчиларга Астана шаҳрида ўтган Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларидаги иштироки учун миннатдорчилик билдирди.

Қозоғистон Президентининг Мўғулистонга давлат ташрифи доирасида икки давлат делегациялари пенсия таъминоти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, 2025-2027 йилларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни жонлантириш бўйича йўл харитаси, авиация қидирув-қутқаруви соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда автомобиль йўлларини ривожлантириш бўйича меморандум имзоладилар.

Trend:

Қозоғистон ва Ўзбекистон қўшма лойиҳаларни фаол ривожлантирмоқда

Ҳозирда икки давлат саноат кооперацияси ривожлантирилиб, умумий қиймати 3,4 миллиард долларлик 74та қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ҳақда “Ўзбекистон–Қозоғистон” IV минтақаларо анжумани маълумотларини тарқатган Trend хабар берди.

Ушбу лойиҳалар 14600та иш ўрни яратишга қаратилган бўлиб, шу жумладан, 13600таси Қозоғистонда 65та янги корхона очиб ҳисобига таъминланади. Айни пайтда Қозоғистонда 9та, Ўзбекистонда 3та қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада 4800та янги иш ўрни яратилди.

Қозоғистон–Ўзбекистон ҳамкорлигига Қўстанайда Chevrolet Onix автомобилларини ишлаб чиқариш, Саран шаҳридаги маиший техника заводи, Шимкент шаҳри ва Туркистон вилоятларидаги тўқимачилик фабрикалари мисол бўла олади. Ўзбекистоннинг Ангрэн шаҳрида газбетон ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичи “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси марказининг ташкил этилишидан бошланади. Тадбиркорлар солиқ ва боғхона имтиёзларига эга.

Ўзбекистон–Қозоғистон минтақаларо анжумани доирасида икки давлат ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича 33та битим имзоланган. Ушбу келишувлар бевосита ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва тайёр маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришга қаратилган.

Report:

Қозоғистон 2024 йил учун нефть қазиб олишни 88 миллион тоннагача пасайтирди

2024 йил якунларига кўра, мамлакат расмийлари 88 миллион тоннадан ортиқ нефть қазиб олишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Қозоғистон Энергетика вазирлигига таяниб, Озарбайжон Report нашри хабар берди.

Daegu:

Франция Қозоғистоннинг сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашмоқда

Қозоғистон фаранг компанияларини сув хўжалиги иншоотларини қуриш ва янгилаш лойиҳаларига жалб қилиши мумкин. Сув хўжалиги ва ирригация вазирлиги Нуржан Нуржигитов билан Франциянинг Қозоғистондаги элчиси Сильван Гиоге ўртасидаги учрашувда шундай имконият муҳокама қилинди.

Жорий йилда Қозоғистон Ҳукумати тошқинни башорат қилиш борасидаги тадқиқотлар учун 576 миллион тенге ажратди. Улар орасида республиканинг сув тошқини хавфи мавжуд ҳудудларида батиметрик тадқиқотлар учун ускуналар харид қилиш режалаштирилган.

Қозоғистонда 2030 йилгача сув инфратузилмасини замонавийлаштириш борасидаги 44та янги сув ҳавзаси қуриш, 76та гидротехник иншоотни таъмирлаш ва 5 минг чақиримдан ортиқ сугориш каналлари қазиб каби кенг кўламли дастур илгари сурилмоқда.

Жаҳон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

ЎЛКА ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди «TURKISTAN INVESTMENT AND TOURISM FORUM – 2024» халқаро анжумани доирасида сармоядорлар билан музокаралар олиб борди.

Ушбу тадбир озиқ-овқат енгил саноат ва яшил технологияларни жорий этиш каби муҳим йўналишларда кенг кўламли ҳамкорликнинг бошланиши бўлди.

Битимларнинг имзолалини ушбу тармоқларни ривожлантириш, иқтисодий ўсиш ва инновацияларни рағбатлантириш учун улкан миқдорда сармоя олиб келиши кутилмоқда.

Соҳа вакиллари бундай шартномалар нафақат ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаши, балки халқаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратишини ҳам таъкидлади.

Хорижий сармоядорлар Туркистон шаҳрида ўтказилган бизнес-анжумани жаҳон саҳнида муҳим майдонга айланганини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, Туркистон вилоятида яратилган қўлай сармоявий муҳит учун миннатдорчилик билдирди.

Вилоят раҳбари Туркистон вилоятининг сармоявий салоҳияти, давлатимиз томонидан кўрсати-



лаётган имтиёзлар ҳақида фикр юритди. Шунингдек, у асосий устуворлик қайта ишлаш саноатига қаратилишини таъкидлади.

Йиғилишда халқаро миқёсда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир корхоналар вакиллари тегишли давлат то-

монидан қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Миллий касбий мусиқа санъати чўққиси ҳисобланган Қурмангази номидаги қозоқ миллий чолғу асбоблари оркестри ташкил этилганига 90 йил тўлди.



Қурмангази номидаги қозоқ миллий халқ чолғу асбоблари оркестрининг ташкил топиши халқ арбобларининг номлари билан чамбарчас боғлиқ. У Темирбек Жургунов эди. Умрини миллат маданияти ва маънавия-

тига бағишлаган халқ арбоби 1934 йилда Қозоғистон вилоят кўмитаси халқ таълими комиссари лавозимига тайинланди. У мамлакатимизда ҳали бирлаштирилмаган таълим, адабиёт, санъат ва маданият масалалари

Қурмангази номидаги оркестрга – 90 йил

бўйича махсус кўмигага раислик қилди, миллий санъат ва маданиятни янгича йўналтирди. Темирбек Жургунов илк бор қозоқ санъаткорлари ва шоирлари ўртасида 1 Умумқозоғистон слётини ўтказди ва қозоқ санъатининг бетакрор шахсларини бирлаштирди. Академик Ахмет Жубанов зиммасига миллий чолғу асбоблари асосида оркестр яратишдек юксак масъулият юкланган эди. Ф. Медетов, Ж. Қаламбаев, Л. Муҳитов, М. Бўкейханов каби қозоқ мусиқасининг асосчилари оркестрни яратишда иштирок этган.

Қурмангази номидаги Қозоғистон миллий чолғу асбоблари оркестри Россия, Қирғизистон,

Ўзбекистон билан ижодий алоқалар ўрнатган. Россия билан қўшма лойиҳалар доирасида Андреев оркестри билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, концерт ва маҳорат дарсларини уюштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, Қирғизистон ва Ўзбекистонда миллий маданият ва санъатни тарғиб қилиш борасида қўшма тадбирлар ўтказилмоқда. Бошқа давлатлар билан маданий алоқаларни йўлга қўйиш, жумладан, оркестрнинг Европа, Туркия, Хитой каби давлатларда чиқишлари юзасидан тадбирлар юритмоқда.

24.kz. маълумотлари асосида.

»» Бокс бўйича ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати

ИККИ НАФАР ҚОЗОҒИСТОНЛИК БОКСЧИ ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Черногория пойтахти Будва шаҳрида ўтаётган бокс бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида яна икки қозоғистонлик боксчи олтин медалга сазовор бўлди.

Дастлаб терма жамоа аъзоси Санжарали Бегалиев ўзбекистонлик Жафарбек Шоҳбозов билан куч синашиб, рақибдан устун келди.

Аружан Зейноллаева (81 кг) яна бир ўзбекистонлик Руҳона Парниева билан жангда галаба қозонди.

Sports.kz. маълумотлари асосида.



БАЛЛИ, ЖИБЕК!

Ж. ҚУЛИМБЕТОВА – ЖИУ-ЖИТСУ ВА ГРЭППЛИНГ БЎЙИЧА 11 КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Спортчи Грециянинг Ираклион шаҳрида ўтган жаҳон мусобақасида Ju jitsu newaza бўйича энг яхши натижани қайд этди.

Ушбу чемпионатда дунёнинг 56 давлатидан 2031 нафар спортчи иштирок этиб, куч синашди.

Жибек Греция, Исроил, Франция, БАА ва Мўғулис-



тондан келган кучли рақибларини мағлуб этиб, ўз вазнида тенгсиз эканини яна бир бор исботлади.

Шу тариқа, Жибек 17 ёшида жиу-житсу ва грэпплинг бўйича 11 карра жаҳон чемпиони бўлди.

Inform.kz. маълумотлари асосида.

● **Обуна–2025**

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилмоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқчи ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзилсин.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ХЖ орқали – 3415,50 тенге;

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



ҲАР ГҲШАДА ТҮЮ ТАНАНА...



Темирлан қишлоғида Ҳрдабоши туманининг 60 йиллиги нишонланди. Тантанали тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаев, маслаҳат раиси Нурали Абишов, туман ҳокими Азат Ҳралбаев, шунингдек, зиёлилар ва депутатлар, туман аҳолиси ва меҳмонлар иштирок этди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Ҳрдабошиликларга эзгу тилакларини билдирди.

Тадбирда улкан довлонларни забт этган меҳнаткашларга юбилей медаллари топширилди.

“Олтин куз” ярмаркасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва техникалари, хунармандчилик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди. Этномаданият бирлашмалари меҳмонларга қучоқ очди. Жамоат арбоби Абиш

Кекилбаев қозоқ маънавиятининг дарвозасига тенглаган муқаддас заминнинг байрами билан қутлашга туманининг фахрий фуқаролари ҳам ташриф буюришди.

Ҳрдабоши тоғининг энг баланд чўққисига 30 метрли улкан ёдгорлик ўрнатилди. Унда буюк хонлар ва бийлар, ботирлар ва қозоқ халқининг орзу-умидлари тасвирланган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ТУРКИСТОНЛИКЛАР – БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Астана шаҳрида Абай номидаги давлат мукофоти лауреати, Қозоғистонда хизмат кўрсатган арбоб, ёзувчи-драматург Р. Муқановнинг драматургиясига бағишланган “ТЕАТР ALL” III халқаро театр фестивали ўтди.

Унда Озарбайжон, Қирғизистон ва Қозоғистон театр жамоалари иштирок этиб, пойтахтликларга ижод маҳсулларини намойиш этишди.

Туркистон мусиқали драма театри фестивалда режиссёр Фархад Мўлдағали

сахналаштирган “Фариза” асари билан иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, ушбу асар “Энг яхши сахна асари” сифатида эътироф этилиб, бош соврин соҳиби бўлди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ЛАҲЗАЛАРИ



Арис шаҳрида “Олтин куз” байрами муносабати билан қишлоқ маҳсулотлари ярмаркаси ўтди.

Шаҳар ҳокими Гулжан Қурманбекова уни аҳоли билан бирга оралаб, ҳосилни вақтида йиғиб олган қишлоқ деҳқонлари билан мулоқотда бўлди.

Ал-Фаробий майдонида ўтган ярмарка тонг саҳардан қизиқ кетди. Унда шаҳар тадбиркорла-

ри ҳамда қишлоқ хўжаликлари иштирок этди.

Тадбирда зотдор қўй кўргазмаси намойиш этилди, қишлоқ хўжалик техникасининг кўргазмаси уюштирилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Бир туман хабарлари

ТУМАН КАСАЛХОНАСИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

“Қишлоқ соғлиқни сақлаш тизимини замонавийлаштириш” лойиҳаси доирасида туманлараро кўп тармоқли туман касалхонасини ташкил этиш ташаббуси амалга оширилмоқда. Улардан бири – Сайрам туман марказий касалхонасидир. Айти пайтда касалхонада тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаев амалга ошириляётган ишларни назорат қилиш ва яқиндан танишиш мақсадида касалхонага ташриф буюрди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Асхан Байдуалиев, касалхона бош шифокори Ерғали Алимбаев, Инпудратчи “КазЕвроСтрой”



МЧБ, муаллифлик назоратчиси “МПК-Проект” МЧБ, техник назоратчи “Туран Қўрылыс-1” МЧБ вакиллари жорий таъмирлаш ишларининг бориши ҳақида маълумот бердилар. Иншоотдаги таъмирлаш ишлари

2025 йилда давом эттирилади. Сайрам туман марказий касалхонаси таркибида 430 ўринли кундузги стационар, туман шифохонаси, шифокорлик ва фельдшерлик пунктлар хизмат кўрсатмоқда.

“КҲЧАТ ЭКИШ КУНИ” ҲТДИ



“Тоза Қозоғистон” республика экологик акцияси доирасида “Кўчат экиш куни” ўтди.

Унда туман ҳокими Арман Сабитов, фахрийлар, туман маслаҳати раиси ва “AMANAT” партияси Сайрам туман бўлими ижроия қотиби, таълим ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари ҳамда ходимлари иштирок этдилар.

Туман марказидаги “Мартўбе” майдони ва барча қишлоқлардаги мактаб ҳовлиларига “Бодом ўрмон ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш” ДҚда етиштирилган 12900 тул қўчат экилди. Шунингдек, “Кўчат экиш куни”да қуриб қолган буталар ва барглари тозаланиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Туман ҳокими Арман Сабитули Абилайхан шохқўчасидаги аҳвол билан танишиб, инфратузилма сифатини текширди. Ушбу тадбирлар туманининг экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида амалга оширилмоқда.

САЙЁР ҚАБУЛ – ЭЛГА МАҚБУЛ

Туман ҳокими Арман Сабитов Орис қишлоғи аҳолиси билан учрашди. Фуқаролар ижтимоий ва инфратузилма соҳаларида хизмат кўрсатиш сифатига оид саволлар билан мурожаат қилишди.

Хусусан, Хўжақўрғон қишлоғининг Ж. Менглибаев кўчасида электр таъминоти тизимини янгилаш ва унинг самарадорлигини ошириш масаласи кўтарилди. Шунингдек, фуқаролар Ж. Менглибаев кўчасини сифатли ичимли сув, Жанақурилиш ҳудудини табиий газ билан таъминлаш масаласини ҳам кўтардилар.

Йиғилиш сўнгида Арман Сабитов мазкур масалалар борасида ҳокимлик томонидан тегишли чоралар кўрилишини таъкидлади.

Туман ҳокими Арман Сабитов Қорабулоқ қишлоғи аҳолиси билан учрашди. Унда қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид масалалар муҳокама қилинди.

ТУМАН ҲОКИМИ – ҚОРАБУЛОҚДА



Туман ҳокими қишлоқда 11та қудуқ қазииш режаланганини маълум қилди. Унинг айтишича, бу чора қишлоқ аҳолисини тоза ичимли сув билан таъминлаш борасидаги муҳим қадамдир. Шунингдек, йиғилишда қишлоқдаги йўлларни кенгайтириш, асфальтлашни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Туман ҳокими ички ишлар бўлимининг замонавий андазалар асосида жиҳозланган янги биноси билан танишди. Бу ходимлар фаолиятини самарали

ташкил этиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда туман ҳокими хавфсизликни таъминлаш масалалари ва хукуқ-тартибот идоралари фаолиятини такомиллаштириш режалари ҳақида фикр юритди. Мавжуд муаммолар эътибордан четда қолмаслиги, раҳбарият томонидан зарур чоралар кўрилишини маълум қилди.

З. МҲМИНЖОНОВ.

»» “Оқ олтин – 2024”

Саховатли кузнинг ҳар бир куни пахтакор деҳқон учун ганимат. Ёгингарчилик пайтида терим агрегатлари жўяклардаги лойгарчилик боис далага туша олмайди. Терим эса иқтисодий жиҳатдан уч барабар арзонлиги боис фақат комбайнлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокими Д. Сатибалди ташаббуси билан вилоятимизда пахта кластерини амалга ошириш йўлида дадил ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қатор йиллар давомида газетамиз саҳифаларида фаол муштарийларимиз Раҳмон Мавлонов, Абдуманноп Абдураззоқов, Ҳабибулла Азимов, Турғун Аҳмедов, Ражаб Қариевлар кўтарган масала – деҳқонни пахта нархига қарамликдан қутқаришга киришилди.

Вилоятимизда хорижий сармоядорлар маблағи эвазига қўшни Туркия давлатидаги каби пахта хомашёсидан си-

ДЕҲҚОН ПАХТА БАҲОСИГА ҚАРАМ БҲЛМАСЛИГИ УЧУН



фатли тола, ип, газлама ҳамда пировардида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар қурилиши бош-

ланди. Туркияда эса, бир кило сифатли пахта толасидан бир неча юз доллар қийматдаги кўйлақлар тайёрланади. Бу

кластер яқин келажақда бизда ҳам амалга оширилади.

Бунга қадар жорий йил пахта хомашёси нархи ҳар кило учун 200 тенге белгиланганлиги ҳақида ёзгандик. Эски Иқон қишлоқ ҳокимлиги бўлим мудир Тургун Аҳмедов билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, пахта нархи борасида янгилик хусусида қизиқдим. Бугунгача нарх борасида ўзгариш йўқ. Яқин келажақда пахтакор деҳқон даромади мўл бўлишига ишончимиз қомил.

Кўжида тоғлар кўтарган танти деҳқон ҳамюртларимизга омад ёр бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Эски Иқон қишлоқ ҳокимлиги бўлим мудир Тургун Аҳмедов (чапда) Саврон тумани маслаҳати депутати, пахтакор деҳқон Исролом Номуродов билан пахтазорда. Муаллиф суратга олган.

»» Президент Мактуби – амал дастури

ТҮЛЕБИЙ ТУМАНИ: КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ҲУДУДИ

Қишлоқни ривожлантириш учун кичик хўжаликларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. “Қишлоқ омонати” дастури долзарблигини исботлади. Навбатдаги босқичда фақат ижтимоий насия бериш билан чекланиб қолмаслик жоиз. Хусусий томорқа хўжаликлари ўзаро бирлашишлари жоиз. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилиши даркор.

Қасим-Жўмарт Тўқаев.
“Адолатли Қозоғистоннинг
иқтисодий йўналиши”.



ҚАТРАСНИ ҚАДРЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Мустақилликнинг илк йилларида Тўлебей туманидаги 15та жамоа ва давлат хўжалиги 3800дан зиёд деҳқон хўжалигига бўлиниб кетган эди. Сўнги уч йилда субсидия ва имтиёзли кредит олишда қийналаётган деҳқон ва чорвадорлар яна йирик хўжаликларга бириктирилди.

Тумanning 70 фоизи лалмикор ерлар, яъни сугорилмайди, лекин бошоқли дон экинлари етиштириш мумкин. 32 минг гектар ерда ўтган йили етиштирилган галладан 15 центнердан ҳосил олинди. Туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан жорий йилда обикор ерлар майдони ортиб, 5 минг гектарни ташкил этди. Келгуси йили эса 930 гектарга сув етказиб бериш учун вилоят бюджетидан 630 миллион тенге ажратилди. 580 гектарни сугориш учун туманда иккита янги канал қазилди, қолган майдонда томчилатиб сугориш усули қўлланилади. Зеро, аниқланган ҳақиқат шундай: туманда 30 гектар лалмикор майдонда етиштирилган ҳосилдан ярим гектар обикор ердан олинмаган ҳосил кўпроқ экан.

Зертас қишлоғида ўнлаб чорвадорлар йилки ва қорамол бўрдоқлашмоқда. Биз билан суҳбатда улар ушбу соҳа оила ва хўжалик катта даромад олиб келишини таъкидлашди.

«Жасил аймақ» деҳқон хўжалиги (раиси Б. Жунисов) аъзолари шу кунларда булғор қалампари ҳосилини теришмоқда.

Хўжалик далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Бу натижага улар илғор технологияларни қўллаш туфайли эришди. Хўжаликда обикор ерлар майдони кенгайтирилди, албатта, сувни тежаб ишлатиш ҳисобига. Келгуси йили эса хўжалик 32 гектар ерда мева ва сабзавот етиштиришни режалашмоқда.

Туман ҳокими ўринбосари вазифини бажарувчи Сержан Дуйсебаев кўп йиллар «Путь Ильича» ва «Бирлик» жамоа хўжаликларини бошқарган, деҳқончилик муаммоларини яхши билади. У мустақиллик йилларида деҳқонларнинг агротехник саводсизлиги туфайли ерга эътиборсиз бўлгани, ишлов беришга ва органик ўғитлар ташишга техника етишмагани, шу сабабли ҳосилдорликнинг пасайиб кетганини таъкидлади.

– Бугунги кунда бу муаммоларнинг деярли барчаси ҳал қилиниб, деҳқонлар арзонлаштирилган ёқилғи, минерал ўғитлар ва экин суви билан таъминланаётгани сабаботчиликни ривожлантиришга кенг йўл очди, – деди у. – Илғор технологияни қўллаш орқали олинаётган даромаднинг айтмайсиэми? Яқин йилларда томчилатиб сугориладиган майдон туманимизда икки баравар ошади.

Ўтган йил яқунлари бўйича тумanning ялли худудий маҳсулоти 5,4 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,4 фоизга ортди.

Ҳоким вазифини бажарувчи шу кунларда тумanning барча худудларида мустақилликнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, айниқса, етакчи соҳаларни замонавийлаштириш, илғор техника ва технологияларни қўллаш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни бугунги талаблари асосида ривожлантириш мақсадида улкан ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Унинг таъкидлашича, туманда ҳам иқтисодий ислохотларни жадал давом эттириш юзасидан Президентимиз ҳамда Хукумат томонидан белгиланган устувор вазибаларнинг ижросини тўлақонли таъминлашга асосий этибор қаратилмоқда.

САНОАТ СОҲАСИ ЯНАДА РИВОЖЛАНДИ

Туман иқтисодий салоҳиятида саноат тармоғи ўзига хос аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳозир худудда жами 12та йирик ва 58 кичик саноат корхоналари мавжудлигини таъкидлаш керак. Улардан, «Ленгер машинасозлик заводи», «Балмуздақ» МЧБ ва «Фудмастер-Шимкент» корхона-

лари ISO-2001 сертификатига эга, асосан, машинасозлик, қурилиш соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва табиий заҳираларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича фаолият юритмоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзиде шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб соғлиқни сақлаш, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, уй-жой бинолари қад ростлади. Қишлоқларга «Тоза сув» дастури бўйича сув келди.

ТАДБИРКОР – ЭЛГА МАДАДКОР

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Натижада, топган сармояларини ўз оиласи, қишлоғи манфаатлари йўлида сарфловчилар кўпайди. Хусусий болалар боғчаларининг очилиши ҳам шулар жумласидандир. Иссиқхоналар, мева сақлашга мўлжалланган совутич омборлар, замонавий савдо марказлари, кичик ишлаб чиқариш цехлари очилмоқда.

Бизнеснинг ижтимоий масъулияти доирасида «ҚазТрансГаз Аймақ» ХЖ Ленгер шаҳридаги Қ. Сатпаев номли мактабга спорт иншоотлари қуриб, уларни зарур анжомлар билан таъминласа, ўнлаб хусусий тадбиркорлар спорт майдонлари барпо этиб, фойдаланишга топширишди.

ЯНГИ ИШ ҲИСОБИ ОЧИЛМОҚДА

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бандлик масаласида бизнес вакиллари-нинг ҳам масъулигини оширгани бу ишга янги талқин бермоқда.

«Атамекен» корпорацияси» МЧБда туяқуш боқилмоқда, тадбиркорларнинг паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалари тасдиқланиш арафасида.

Худудда бундан ташқари, яна қатор ўзига хос йўналишдаги бошқа дастурлар ижросини таъминлаш чоралари ҳам



кўрилмоқда. Улардан бири “2024-2025 йилларда Тўлебей туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”, унда ушбу даврда 8та саноат салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Куни кеча вилоят ҳокимлигида Тўлебей туманининг 2030 йилгача стратегик тараққиёт режасини тасдиқлаш масаласи муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди туман мавжуд салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмаётганини таъкидлаб, мазкур ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

– Сайёҳлик Тўлебей туманининг устувор соҳасига айланиши керак. Туман ўзининг ер ости ва ер усти ҳомашё заҳиралари, ўсимлик дунёси, тарихий ва сайёҳлик масканларига бойлиги билан саноат ишлаб чиқариш ва туризм соҳасини ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга, худудда оҳақтош, гишт хом ашёси, пардозбоп тошлар, воллостонит ва бошқа ҳомашё заҳиралари мавжуд. Бундан ташқари, туманининг тоғ ва тоғолди худудлари

бетакрор табиати, сўлим гўшалари худудда экотуризмни ривожлантиришда кенг имкониятлар эшигини очади. Шунга кўра, келгусида тумандаги мавжуд заҳиралардан самарали фойдаланиш, саноат, транспорт, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлаш муҳим. Тадбиркорликни ривожлантириш, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш зарур, – деди Дархан Сатибалди.



Йиғилишда Тўлебей тумани ҳокими вазифини бажарувчи С. Дуйсебаев туманининг тараққиёт режаси билан таништирди. Ўтган йили умумий худудий маҳсулот ҳажми 145 млрд, жорий йилда 149,8 млрд тенгеге етказиб бериш режалаштирилган. 2030 йилга бориб ҳудудий маҳсулотнинг умумий ҳажмини 369 млрд тенгеге етказиш режалаштирилган. 2030 йилга бориб саноат 2,3 баравар, қишлоқ хўжалиги 2,5 баравар, қурилиш 1,5 баравар, савдо айланмаси 2,9 баравар, туризм соҳасидаги кўрсаткичлар 3,7 баравар ортади.

2025-2030 йилларда 73та лойиҳа (144 млрд. тенгеге) амалга ошириш ва 1193 кишини иш билан таъминлаш режаланган. Сармоявий лойиҳалар асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, савдо соҳаларида



амалга оширилмоқда. Саноат соҳасида 38,2 млрд тенгеге тенг 12та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Натижада 392 киши иш билан таъминланади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида эса 22,3 млрд тенгеге тенг 20та лойиҳани амалга ошириш ва 268 кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган. 2030 йилга бориб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми 154 млрд тенгеге ёки 2,5 бараварга ошади. Сутчилик фермалари, бўрдоқчилик майдонларини очиб, балиқ етиштириш, иссиқхоналар, боғлар, томчилатиб сугориш тизими, маҳсулот сақлаш, гўштни қайта ишлаш цехлари, паррандачилик ва мевани қайта ишлаш цехлари лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. 2024-2030 йилларда сайёҳликни ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 78,1 млрд. тенгеге тенг 23та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Янги сайёҳлик ва дам олиш масканлари очилади. Лойиҳалар амалга оширилса, сайёҳлик худудининг салоҳияти ошиб, сайёҳлар сони 3,7 баравар ортади.

Мухтасар қилиб айтганда, бунинг учун туманда барча имкониятлар мавжуд ва барча ислохотлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган вазибаларни талаб даражасида бажаришга қаратилмоқда.

А. АБДУФАТТОҲ.

УЛУҒЛАР ЎТГАН ЗАМИН ЁКИ ВАТАННИ СЕВИШ ИЛМИ

Туркистон шаҳри алоҳида мақомга эга бўлгач, бу янгилик таъсирида вилоят маркази йилдан йилга ўзгариб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу фақат бюджети, сиёсати, ижтимоий ҳаёти, меъморий кўриниши ёки замонавий инфратузилмасидагина эмас, балки маънавиятида ҳам кескин сезилмоғи даркор. Ҳа, тарихий ҳақиқат қайта тикланиши керак. Бир вақтлар масжиду мадрасалари гуллаб-яшнаган, минглаб уламою олимларга бой шаҳар бўлган у... Одоб-ахлоқ, ақл-заковат, ҳалоллик ва илм-фанни ўзида мужассам этган эди у...



Вақти-соати келиб, мана яна, унга пешволари, арбоблари қайтмоқда, зиёрат қилиб, тупроғини азиз тутмоқда.

Жорий йил 24 майда бутун жаҳонда машҳур ҳатот Шайх Усмон Тоҳо Туркистонга қадам ранжида қилди. Исломи оламида танилган Қуръон хаттоти, яъни Қуръони Каримнинг жаҳонда энг оммавий бўлган нусхасини ёзган муборак зотнинг Қозоғистонга келишига нисабан бўлди ва бу тарихий учрашувни кимлар уюштирди?

Бу ҳақда газетамизга мусохаба берган Шимкент шаҳар маслаҳатининг депутати Муратали Қалмуратовнинг суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.



– 2024 йил январь ойида дўстим Амангелди Еренгайипулидан ажойиб хушхабар олдим. У “Нур Қазақстан” компаниясининг президенти, 20 йилдан буён Муқаддас Каъбатуллоғга мусулмонларни олиб боради, ўзи ҳам 130 марта ҳаж сафарини адо этган. Муқаддас Каъба ичкарасига кириб, икки марта намоз ўқиш бахтига муяссар бўлган. БМТ қарорига кўра, “Жамият олдидаги хизматлари учун” халқаро олтин медали билан тақдирланган. У 2023 йил декабрь ойида Саудия Арабистонида машҳур Усмон Тоҳо жаноблари билан танишганини қувонч ила етказди. Қизиги шундаки, Усмон Тоҳонинг отабоблари Туркистон шаҳрида яшаган, асли туркистонликлар экан. Бундан 150 йил аввал Сурияга кўчиб кетган, кейинчалик Саудия Арабистони қироллиги тақлифига кўра Мадина шаҳрига жойлашган экан. Усмон Тоҳо бугунги кунда Мадинаи Мунавварада истиқомат қилади. “Шайх Қозоғистонга, Туркистонга келишни истаяпти”, деди у. Бу пайтда Шимкент шаҳрида “Есанжўлы Сейитжан қари” масжиди очилиш арафасида эди. Шу муносабат билан муборак зотни ота юртига олиб келишни ният қилдик. Бу бутун халқимиз учун катта обрў ҳам эди. Бу ҳақда Серикжан Сейитжановга айтганим, у дарҳол Амангелди Еренгайипулини чақиртирди ва ундаги видеоларни томоша қилди. Тарихий учрашувни диққат билан кўргач, масжиднинг февраль ойида очилишини айтиди. Лекин масжид у пайтда очилмади. Қизиги шундаки, шайх жаноблари учун алоҳида элчилик йўналиши билан уларни Амангелди ўз қўли билан топшириши керак эди. Мен иккита тақлифномани Алматига, Амангелдининг уйига (биттаси шайхга, иккинчиси унга) етказиб бердим. Ҳа, тунда Амангелди ҳажга жўнаб кетди. Тақлифнома араб тилида ёзилганди. Амангелди уни эгасига бермоқчи бўлганида, ўзининг номига ёзилгани экан. Ана холос, шошганидан, адашиб кетибди-да. Дарров менга телефон қилди. Зудлик билан ўша хат ишланган босмахонага бордим ва электрон нусхасини юбордик. Шайх уяли телефон орқали тақлифномани ўқиб кўргач, “Қозоғистонга, ота-боболарим юртига, албатта, бораман”, дебди хурсанд бўлиб. 1934 йилда туғилган, 90 ёшли кекса одамни Қозоғистонга олиб келишининг ўзи бўлмайди. Яна бутун Ислам оламида энг бообрў, ўта нуфузли зотлардан бўлгани учун алоҳида мақомга эга, унга Каъба ичида намоз ўқишга рухсат берилган. Саудия Арабистони қироллиги томонидан алоҳида қўриқланадиган шахс. Хорижга бориши учун шахсан Қирол

жанобларининг рухсати керак экан. Эртаси кунлик Қирол жанобларининг хузурига бориб, тақлифномани кўрсатгач, унга жавоб беришган.

26 февраль куни мен умра сафарига бордим. Ёнимда Усмон Тоҳонинг тақлифномаси, яъни асл нусхаси бор эди. Ўз қўли билан эгасига топширдим, муборак зотнинг хузурида бўлдим... У ота юртга, албатта, келишини айтиб қолди.

Хуллас, масжид май ойида очилади экан бўлди. Шундан Сейитжанов оғамиз муқаддас Каломуллоҳни кўчирган машҳур Усмон Тоҳони масжиднинг расман очилиш тантанасига олиб келди. Унда иштирок этган ҳажолик билан тақлифнома билан тақдирланган. Шундай тарихий воқеага гувоҳ бўлишни истаган минглаб фуқарога жойлашган экан. Ушундан кейинги кунда Мадинаи Мунавварада истиқомат қилади. “Шайх Қозоғистонга, Туркистонга келишни истаяпти”, деди у. Бу пайтда Шимкент шаҳрида “Есанжўлы Сейитжан қари” масжиди очилиш арафасида эди. Шу муносабат билан муборак зотни ота юртига олиб келишни ният қилдик. Бу бутун халқимиз учун катта обрў ҳам эди. Бу ҳақда Серикжан Сейитжановга айтганим, у дарҳол Амангелди Еренгайипулини чақиртирди ва ундаги видеоларни томоша қилди. Тарихий учрашувни диққат билан кўргач, масжиднинг февраль ойида очилишини айтиди. Лекин масжид у пайтда очилмади. Қизиги шундаки, шайх жаноблари учун алоҳида элчилик йўналиши билан уларни Амангелди ўз қўли билан топшириши керак эди. Мен иккита тақлифномани Алматига, Амангелдининг уйига (биттаси шайхга, иккинчиси унга) етказиб бердим. Ҳа, тунда Амангелди ҳажга жўнаб кетди. Тақлифнома араб тилида ёзилганди. Амангелди уни эгасига бермоқчи бўлганида, ўзининг номига ёзилгани экан. Ана холос, шошганидан, адашиб кетибди-да. Дарров менга телефон қилди. Зудлик билан ўша хат ишланган босмахонага бордим ва электрон нусхасини юбордик. Шайх уяли телефон орқали тақлифномани ўқиб кўргач, “Қозоғистонга, ота-боболарим юртига, албатта, бораман”, дебди хурсанд бўлиб. 1934 йилда туғилган, 90 ёшли кекса одамни Қозоғистонга олиб келишининг ўзи бўлмайди. Яна бутун Ислам оламида энг бообрў, ўта нуфузли зотлардан бўлгани учун алоҳида мақомга эга, унга Каъба ичида намоз ўқишга рухсат берилган. Саудия Арабистони қироллиги томонидан алоҳида қўриқланадиган шахс. Хорижга бориши учун шахсан Қирол

жанобларининг рухсати керак экан. Эртаси кунлик Қирол жанобларининг хузурига бориб, тақлифномани кўрсатгач, унга жавоб беришган.

26 февраль куни мен умра сафарига бордим. Ёнимда Усмон Тоҳонинг тақлифномаси, яъни асл нусхаси бор эди. Ўз қўли билан эгасига топширдим, муборак зотнинг хузурида бўлдим... У ота юртга, албатта, келишини айтиб қолди.

Хуллас, масжид май ойида очилади экан бўлди. Шундан Сейитжанов оғамиз муқаддас Каломуллоҳни кўчирган машҳур Усмон Тоҳони масжиднинг расман очилиш тантанасига олиб келди. Унда иштирок этган ҳажолик билан тақлифнома билан тақдирланган. Шундай тарихий воқеага гувоҳ бўлишни истаган минглаб фуқарога жойлашган экан. Ушундан кейинги кунда Мадинаи Мунавварада истиқомат қилади. “Шайх Қозоғистонга, Туркистонга келишни истаяпти”, деди у. Бу пайтда Шимкент шаҳрида “Есанжўлы Сейитжан қари” масжиди очилиш арафасида эди. Шу муносабат билан муборак зотни ота юртига олиб келишни ният қилдик. Бу бутун халқимиз учун катта обрў ҳам эди. Бу ҳақда Серикжан Сейитжановга айтганим, у дарҳол Амангелди Еренгайипулини чақиртирди ва ундаги видеоларни томоша қилди. Тарихий учрашувни диққат билан кўргач, масжиднинг февраль ойида очилишини айтиди. Лекин масжид у пайтда очилмади. Қизиги шундаки, шайх жаноблари учун алоҳида элчилик йўналиши билан уларни Амангелди ўз қўли билан топшириши керак эди. Мен иккита тақлифномани Алматига, Амангелдининг уйига (биттаси шайхга, иккинчиси унга) етказиб бердим. Ҳа, тунда Амангелди ҳажга жўнаб кетди. Тақлифнома араб тилида ёзилганди. Амангелди уни эгасига бермоқчи бўлганида, ўзининг номига ёзилгани экан. Ана холос, шошганидан, адашиб кетибди-да. Дарров менга телефон қилди. Зудлик билан ўша хат ишланган босмахонага бордим ва электрон нусхасини юбордик. Шайх уяли телефон орқали тақлифномани ўқиб кўргач, “Қозоғистонга, ота-боболарим юртига, албатта, бораман”, дебди хурсанд бўлиб. 1934 йилда туғилган, 90 ёшли кекса одамни Қозоғистонга олиб келишининг ўзи бўлмайди. Яна бутун Ислам оламида энг бообрў, ўта нуфузли зотлардан бўлгани учун алоҳида мақомга эга, унга Каъба ичида намоз ўқишга рухсат берилган. Саудия Арабистони қироллиги томонидан алоҳида қўриқланадиган шахс. Хорижга бориши учун шахсан Қирол

жанобларининг рухсати керак экан. Эртаси кунлик Қирол жанобларининг хузурига бориб, тақлифномани кўрсатгач, унга жавоб беришган.

Н. МАВЛОНОВА.

ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ



Яқинда Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон халқ дипломатияси: тарих, бугун ва келажак” номли анжуман ўтди ва у Халқ дипломатларининг I Халқаро конгрессига асос бўлди. Уни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази директори Қобилжон Собиров олиб борди. Нотиқ Ташкилотга аъзо давлатларнинг халқ дипломатлари бажарётган ишларга тўхталиб, меҳмонларга сўз берди ва фаолларни тақдирлади. ҚР расмий делегацияси таркибига “Қозоғистон фуқаролик альянси”, “Қозоғистон халқ дипломатияси маркази” корпоратив жамғармаси раҳбари Бану Нургазиева, “Халқаро халқ дипломатияси ҳамжамияти” президенти Бахит Рустемов, ҚР ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икром Ҳошимжонов, “АМАНАТ” партияси, ҚХА, ҚХА қошидаги Илмий-таҳлилий Кенгаш, Астана ҚХА Илмий-таҳлил гуруҳи аъзоси, ҚР Президенти ҳузуридаги жамоатчилик онгини янгилаш дастурини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ва ҚР Таълим ва фан вазирлиги Республика комиссиясининг аъзоси, ҚР Ташқи ишлар вазирлиги Жамоатчилик Кенгаши аъзоси, ҚР Ахборот ва жамоат тараққиёти вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, ҚР Президенти ҳузуридаги Миллий Қурултой, ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги Жамоатчилик Кенгаши аъзоси, ҚХА қошидаги Республика медиация кенгаши раиси, Астана шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Шерзод Пўлатов ва ҳамжамият қошида сайёҳликни ривожлантириш бўлими мудири Саид Хайруллоҳ кирди. Тадбирда Ш. Пўлатов маъруза қилди ва унга “Халқ дипломати” кўкрак нишони топширилди. Фурсатдан фойдаланиб, Шерзод Аббос ўғли билан суҳбатлашдик.

– Халқаро мукофот муборак! Суҳбатимиз аввалида, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига тўхталсангиз.

– Ташаккур! Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) фаолияти тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро ташкилотдир. 2023 йилдан 2024 йилнинг ёзигача унга Қозоғистон раислик қилди. (Айтганча, мамлакатимиз бу ташкилотга тўртинчи марта раҳбарлик қилмоқда). Бу давр ичида Президентимиз 5та устувор йўналишни белгилаб берди. Жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, савдо-иқтисодий, энергетика ва рақамлаштириш, экология соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, ташкилот салоҳиятини мустаҳкамлаш. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан 2024 йил ШХТда Экология йили деб эълон қилинди. Ташкилотнинг самарали фаолиятига бир қанча мамлакатларда фаолият юритаётган “Халқ дипломатияси марказлари” ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Қозоғистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам шундай марказлар очилган.

– Ушбу янги институтлар фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

– Албатта. Ҳозирги таҳликали даврда турли мамлакатлар халқларининг бир-бирини тан олиши, маданияти, тарихи, урф-одатлари ва дунёқарашини англаш учун асосий кўприк вазифасини ўтамоқда. Сиёсат ва иқтисод давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг таянчи бўлса, чинакам дўстликни фақат гуманитар алоқалар акс эттиради. Шундай экан, икки яқин қўшнинг зид вакиллари ҳалқ, мамлакат ва халқаро дўстлик учун умумий ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– Ҳа, тўғри айтасиз. Таразда, шифокорлар оиласида камол топдим. Ота-онам Андижон шаҳрида олий ўқув юртида таҳсил олаётган вақтда дунёга келганман (1978 йил). Шарқшунослик (Ислмушунослик) ва ҳуқуқшунослик бўйича олий маъ-



лумотга эгаман ва ҳозирги кунда Исломобод (Покистон) халқаро Ислмушунослик университетида “Шариат ва ҳуқуқ” факультети “Ислмушунослик ва ҳуқуқшунослик фанлари” ихтисослиги бўйича докторантман. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги “Planning Change” Маркази ҳамда “Peace” Нью-Йорк институтиди Медиация магистри даражасини олганман, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси дастури асосида узоқ муддатли сайлов кўзатувчиси сертификати, Белград шаҳри, Сербияда ва халқаро ҳуқуқий амалиётда муҳожиралик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий қонунчилик сертификати соҳибиман (халқаро ҳуқуқшунослар комиссияси (ICJ)). Низоларни ҳал этиш, медиация, Ислмушунослиги ва ҳуқуқ масалалари, миллатлараро, маданиятлараро ва ҳуқуқий мавзуларда 200дан ортиқ мақола ва илмий ишлар муаллифиман. ҚХА Медиация институтини ривожлантиришга хизмат қиладиган этномадиация услубий қўлланмаси муаллифиман.

Меҳнат фаолиятимни эса Жамбил вилояти солиқ кўмитасида бошлаганман. “ТаразКожОбув”, “Казнабсервис” (бош директор), “Тюрк Цемент” (молиявий директор), 7-Осиёё қишки уйинлари дирекциясида фаолият юритдим. ҚР Дин ишлари бўйича агентликнинг Ислмушунослик бўлими мудири, Илмий тадқиқотлар ва ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, бош эксперт (ҚР Президенти ҳузуридаги “Қоғамдық келісім”), Диний масалалар бўйича таҳлилчи (“Динларни ўрганиш марказлари ассоциацияси”), “Тотувлик” халқаро ҳуқуқ ва медиация марказининг ижроия директори лавозимида ишладим. Ўзбекистондаги “Андижонийллойиха” лойиҳа институтининг Астана шаҳ-

ридаги филиали директори. 2019 йилда Инсон ҳуқуқлари соҳасида маслаҳатчи бўлиб, Евроосиё экспертлар Кенгашининг “КОРФАУ” лойиҳасида иштирок этдим, ҚР Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорлик департаменти директорининг ўринбосари, “Астана Тиббиёт университети”да Ёшлар ва спорт маркази раҳбари. Айни пайтда эса медиация соҳасида ҚХА лойиҳаларининг раҳбариман. 2010 йилдан то бугунги кунга қадар Астана шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасини бошқараман. “Дўстлик” ҳамжамиятининг пойтахтдаги вакилиман, 2019-2020 йилда ҚР Президенти, ҚХА Раисининг ўринбосари бўлдим.

– Энди Ўзбекистондаги халқаро конгрессга қайтсангиз...

– Анжуманда Ҳиндистон, Эрон, Қирғизистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Покистон, Тожикистон ва Туркиядан ҳамкор ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон депутатлари, вазирликлар, дипломатик корпус ва Тошкент шаҳридаги миллий маданият марказлари ходимлари иштирок этди. Албатта, шундай нуфузли даврда нутқ сўзлашнинг ўзи бўлмайди. Маърузамизда, Қозоғистондаги фаолиятимиз таъриҳи, амалга оширилаётган ишларимизга тўхталдик.

Тадбир сўнгиди эса республика миллий марказлари ижодий жамоалари, шунингдек, Б. Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ва Тошкент шаҳридаги “Баркамол Авлод” мактаби ўқувчилари иштирокида концерт томоша қилдик.

– Мазмунли суҳбат учун ташаккур.

Н. МАВЛОНОВА.

»» “Жанубий Қозоғистон” – ҳар бир хонадонга!

“Жанубий Қозоғистон” таъриятини иштирокида ташкил этилган барча тадбирларга, хусусан, 2022 йил май ойидаги Туркистон – Сайрам – Шимкент – Арслонбоб йўналишидаги сайёр анжуман, жорий йили ёзда Баҳодир Ирисметов ташкилотчилигидаги вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси кенгаш йиғилиши ҳамда яқинда Сўзоқ туманида ўтган Туркистон, Кентов шаҳарлари, Саврон, Сўзоқ туманлари фаоллари йиғилишида иштирок этдим.

Давлатимиз халқимизга эҳтиром сифатида “Жанубий Қозоғистон” нашрини чоп этаётган экан, бунга обунда фаол иштирокимиз билан жавоб бериш барчамизнинг бурчимиздир. 33 йилдан буён ушбу газетани узлук-

ДАВЛАТИМИЗНИНГ ХАЛҚИМИЗГА ЮКСАК ЭҲТИРОМИ ИФОДАСИ



сиз ўқийман. Бизнинг Қўшқўрғон қишлоғида 1800дан зиёд одам истиқомат қилади. Мустақиллик

йилларида янги мактаб, шифохона, масжид қурилди. Йўллар таъмирланиб, янгиланди. Аҳолининг фаровонлиги юксалмоқда.

Мен ўзим оилам, қариндош-уруғларимни обунга тўлиқ жалб этиб, 10 нусха газетамга ҳомийлик кўрсатмоқдаман. Ҳамқишлоқларимизни шу хайрли, зор ва савобли ишга даъват этишда давом этаман.

Йўлдош ҚОСИМОВ,
Қўшқўрғон қишлоғи фахрийлар кенгаши раиси,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

»» Обуначиларимиз орасида

Жорий йили 90 йиллик юбилейини юксак савияда нишонлаган Шароф Ниёзов номли умумтаълим мактаби директори ўринбосари, таърибали ўқитувчи Равшан Абдураимов ҳамкасблари билан давлатимиз сиёсатини она тилимизда тарғиб этаётган “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасига обунани ташкил этишда ҳолис хизматлари билан танилган, кам гапириб кўп ишлайдиган муаллим.

А. Ясавий мақбараси ёнидаги этноовулда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарига бағишлаб, вилоят миқёсида ўтказилган анжуманда Равшан Абдураимов Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Мукофотни ҚХА раиси ўринбосари М. Азилханов тақдим этди. Пойтахт Астана, Шимкент, Туркистон, Кентов шаҳарлари,

РАВШАН УСТОЗНИ МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ



Сайрам, Қазигурт, Тулкибош, Тўлебий ва Саврон туманларидан ташриф буюрган юзлаб миллатдош барча мукофотланганлар қатори Равшан Абдураимовни ҳам самимий олқишлади. Равшан Абдураимовни сав-

мимий кўтлаб, янги зафарлар тилаб қоламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф суратга олган.

ЧОРАК АСР МУҚАДДАМ

Кечаги кун бугун, бугунги кун эртага тарих. Чорак аср муқаддам Туркистондаги А. Навоий номли мактаб ташкил этилганига 70 йил тўлиши тантанасига тайёргарлик доирасида ота-оналар кўмитаси мутасаддиси, таърибали меъмор Саъдулла Содиқовнинг ташаббуси билан шарқона услубдаги кўркам дарвоза лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шу мактабда ўқиган моҳир спортчи, тадбиркор Турсунмат Рисбеков ушбу вазифага ҳомийликни зиммасига олиб, улкан савобли ишни амалга оширди. Кўркам дарвоза Туркистонда ягона. Бу ҳақда мактабнинг 70 йиллигига бағишланган китобда батафсил маълумот берилди.

Йиллар ўтиши билан аҳоли, ота-оналар лоқайдлиги туфайли мактаб ўқувчилари сони камайди. А. Навоий номли мактаб тасарруфидаги бир қаватли гиштин бинолар шаҳар маъмурияти тасарруфига ўтиб, бири музей, иккинчиси турғун уй ва хусусий дўконга айлантирилди. Хусусий дўконга алоҳида йўлак учун мактабнинг шарқона дарвозага ёндош деворини бузишга тўғри



келди. Шаҳарнинг собиқ (мархум) ҳокими Мухит Алиев мактабга ташрифи чоғида шарқона дарвозани хайрат билан томоша қилиб, юксак баҳо бергани шонли тарих.

Фурсатдан фойдаланиб А. Навоий номли мактабга яқин маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолига мурожаат этиб, фарзанд, невараларини биринчи

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: меъмор Саъдулла Содиқов (чапда), тадбиркор Турсунмат Рисбеков ва уста курувчи.

Муаллиф тасвири (архивдан олинди).

Р.С. Келгуси йил 70 ёшга тўладиган азим Туркистоннинг асл фарзандлари Саъдулла Содиқов ва Турсунмат Рисбековларга мустаҳкам саломатлик, омад тилаймиз.

ҚИРҚ ҚИЗ БУЛОҒИ

ларида бўлдим. Жумладан, Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридаги «Қирқ қиз булоғи» оромгоҳида дам олдим.

Тоғ ён бағрида 40та булоқ қайнаб ётибди. Сувнинг таъми турлича. Замонавий тиббиёт уларнинг шифобахш эканлигини тасдиқлаган. Бу ер ҳозирги пайтда зиёратгоҳга айлантирилган.

Маҳаллий афсоналарга кўра, VIII асрда бу жойларда бир подшоҳ ҳукм сурган. Унинг ёлғиз қизи бўлган экан. Бир куни ёв бостириб келади. Подшоҳ лашкарлари билан босқинчиларга қарши чиқади. Бироқ улар сонсаноксиз эди. Енгиллигини сез-

ган подшоҳ қизига чопар юбориб, яширинишни амр этади. Қиз қирқ қанизаги билан тоққа қочиб кетаётган, душман лашкарларига дуч келади. Ор-номусини сақлаб қолиш учун қизлар ўзларини чуқурликдаги кўлга отадилар ва ҳалок бўладилар.

Орадан йиллар ўтиб, кўлнинг куйи қисмида яёб бўлган Кўл ота қишлоғи аҳолиси унга “Қирқ қиз булоғи” дея ном беришади.

Гулзира АСЛОНОВА,
55-сонли С. Айний номли мактабнинг бошланғич синф муаллимаси.

Мақтаарал тумани.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.

Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.

Сайрам – Зокиржон СҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90

Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97

Келес, Саруогач – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таъриятини» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPY00022503 уювчома берилган.
«ERNUR» нинг МҲБ Босмаханасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бўғормас
2718.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11200 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛПОЕВА.